

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 3 ЖИЛД

# ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 3

# LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 3



TOSHKENT-2023

## Мундарижа

### ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

<b>1. ВАКНРАМОВА Mokhinur</b> LEGAL ANALYSIS OF METHODS OF REALIZATION OF PROPERTY RIGHTS BY AUTHORS AND PRACTICE OF LAW ENFORCEMENT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	8
<b>2. TURDIEV Bobir Sobirovich</b> KORPORATIV SEKTORNING EKOLOGIK MAS'ULIYATINI OSHIRISHNING HUQUQIY MEKANIZMLARI .....	14
<b>3. ҲАМДАМОВ Шаҳзод Мақсуд ўғли</b> РАҚАМЛАШТИРИШ ТУШУНЧАСИ, МАЗМУН-МОҲИАТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ .....	23

### СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

<b>4. ПАНАБЕРГЕНОВА Жамиля Таировна</b> ПЕРСПЕКТИВЫ ПРИМЕНЕНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СУДОПРОИЗВОДСТВЕ .....	30
<b>5. JUMAYEV Shohjahan Begimqul o'g'li</b> QONUNLAR IJROSI USTIDAN PROKUROR TEKSHIRUVLARINI O'TKAZISH ASOSLARI VA ULARNI QONUN HUIJATLARIDA TARTIBGA SOLISHNING DOLZARB MASALALARI.....	36

### ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

<b>6. ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович, НОРМАНОВА Клара Эшназаровна</b> ЖИНОЯТНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ЁКИ РАҲБАРЛИК ҚИЛГАН ШАХС ҚИЛМИШИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	43
<b>7. КАРИМОВ Ифтихор Ибрагимович</b> ЭКСТРЕМИЗМ ТУШУНЧАСИ, ШАКЛЛАРИ ВА МОҲИАТИ: ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ ..	52
<b>8. SHUKUROVA Muhayyo Mukumjanovna</b> НОКИМИЯТ НАРАКАТСИЗЛИГИ UCHUN JAVOBGARLIK MUAMMOLARIGA DOIR ILMIY TADQIQOTLARNING ZAMONAVIY HOLATI VA RIVOJLANISHI .....	61

### ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА. ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

<b>9. БОЗОРОВ Мақсудали Махмудович</b> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАРНИ УНДИРИШ, ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	66
---	----

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

### 10. TILLABAYEV Mirzatillo

THE UNIVERSAL DECLARATION OF HUMAN RIGHTS: HISTORICAL OVERVIEW AND IMPLEMENTATION IN UZBEKISTAN..... 74

### 11. ФАЙЗУЛЛАЕВА Нигорахон Равшановна

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВАЯ СИСТЕМА ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ НЕЗАКОННОГО ОБОРОТА КУЛЬТУРНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В МЕЖДУНАРОДНОМ КУЛЬТУРНОМ ПРАВЕ..... 80

### 12. САФАРОВА Шахло Пулатовна

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАНБАЛАРИ ..... 89

### 13. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович

ПРИЧИНЫ, ТЕНДЕНЦИИ И ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ НЕЗАКОННОЙ МИГРАЦИИ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ..... 96

### 14. ХАМЗАЕВ Дилавер

РОЛЬ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В БОРЬБЕ С ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫМИ ФИНАНСОВЫМИ ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ ..... 102

## ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

### 15. РАХМАНОВ Шухрат Наимович, ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна

МИГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА НА ЦИФРОВУЮ ЭКОНОМИКУ 113

### 16. SUFIEVA Dilafruz

ABOUT QUALITATIVE CHANGES IN THE RULE-MAKING PROCESS.....120

### 17. САФАРОВ Темур Уктамович

АНАЛИЗ ВНЕШНЕГО И ВНУТРЕННЕГО КОНТЕКСТА ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ НАЛИЧИЯ УСЛОВИЙ ДЛЯ КОРРУПЦИИ В ГОСУДАРСТВЕННОМ СЕКТОРЕ .....125

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ҲАМДАМОВ Шаҳзод Мақсуд ўғли

Ўзбекистон Фанлар академияси

Давлат ва ҳуқуқ институти таянч докторанти (PhD)

## РАҚАМЛАШТИРИШ ТУШУНЧАСИ, МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** ҲАМДАМОВ Ш.М. Рақамлаштириш тушунчаси, мазмун-моҳияти ва унинг ҳуқуқий асослари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2023) Б. 23-29.

 4 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-4-3>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада рақамлаштириш тушунчаси, мазмун-моҳияти, унинг вужудга келиш тарихи илмий жиҳатдан ўрганилган. Шу билан бирга, рақамлаштиришнинг жамият ва давлат ривожланишига кўрсатаётган таъсири, рақамлаштириш натижасида ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар кўриб чиқилган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда рақамлаштиришни жорий этиш ва уни амалиётга татбиқ этишда ҳуқуқий асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар назарий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** рақамлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари, легал-теч, электрон рақамли имзо, электрон ҳуқумат, электрон ҳужжат алмашиш, интерактив давлат хизмати.

ҲАМДАМОВ Шаҳзод

Докторант (PhD) Института государства и права Академии наук Узбекистана

## ПОНЯТИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ, СУЩНОСТЬ И ЕЕ ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ

### АННОТАЦИЯ

В данной научной статье исследуются понятия цифровизации, сущность и история ее возникновения. При этом рассмотрено, в результате цифровизации изменения в правовой системе ее влияние на развитие общества и государства в целом. Кроме того, проведен теоретико-правовой анализ нормативно-правовых документов, являющихся правовой основой внедрения цифровизации и ее реализации в Узбекистане.

**Ключевые слова:** цифровизация, информационно-коммуникационные технологии, легал-теч, электронная цифровая подпись, электронное правительство, электронный документооборот, интерактивная государственная услуга.

HAMDAMOV Shahzod

Doctoral student (PhD) of the Institute of State and Law of the Academy of Sciences of Uzbekistan

## THE CONCEPT OF DIGITALIZATION, ITS ESSENCE AND LEGAL BASES

### ANNOTATION

This scientific article scientifically explores the concept of digitalization, its essence and history of occurrence. At the same time, the influence of digitalization on the development of society and the state, changes in the legal system as a result of digitalization are considered. In addition, a theoretical and legal analysis of legal documents, which are the legal basis for the introduction of digitalization and its implementation in Uzbekistan, was carried out.

**Keywords:** digitalization, information and communication technologies, legal-tech, electronic digital signature, electronic government, electronic document management, interactive public service.

Глобаллашув жараёнида жамият ҳаётининг барча соҳаларига янги технологиялар, айниқса ахборот технологиялари шиддат билан кириб келди. Технологияларнинг ривожланиши бутун дунёда рақамли трансформациянинг жадал тараққиётини тақозо этади. Бу жараёнлар, ўз навбатида, янги ижтимоий, ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Жамият ҳаётининг бошқа соҳалари каби рақамлаштириш давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, адлия тизимларида ҳам ўзига муносиб ўрин эгаллади. Шу сабабли рақамлаштириш ва унинг мазмун-моҳияти, ҳуқуқ ва рақамлаштиришнинг ўзаро таъсири масаласи тадқиқотчиларни ўзига тобора жалб қилмоқда.

Рақамлаштириш тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, уни давлат бошқарув органлари фаолиятига татбиқ этиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари Е.Г.Иншакова, И.Л.Бачило, А.Нестеров, С.А.Дятлов, И.Ю.Пашенко каби олимлар томонидан ўрганилган [1, Б.46.]. Юртимизда эса, Л.Исхакова, С.Садиков, С.Аманиязова, М.Ахмедшаеваларнинг илмий ишларида давлат органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ қилинган [2].

Хусусан, Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ҳуқуқий тартибга солиш, электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини шакллантириш ва ривожлантириш, интерактив давлат хизматларини кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий босқичлари ва хусусиятлари Л.Исхакова томонидан тадқиқ қилинган бўлса [3], электрон ҳукумат тизими ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши, электрон ҳукумат тизими доирасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари С. Садиков томонидан бевосита тадқиқ қилинган [4, Б.182]. Бундан ташқари, С. Аманиязова томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида рақамлаштириш тизимини қўлланишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

Шу билан бирга баъзи олимлар, хусусан М.Ахмедшаева, О.Хусанбоев, Д.Абдалимовалар томонидан давлат органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг фақат айрим ҳуқуқий жиҳатларигина тадқиқ қилинган. М.Ахмедшаева, О.Хусанбоевларнинг илмий тадқиқотларида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида давлат бошқаруви соҳасида кечаётган мураккаб жараёнлар, электрон ҳукумат тизими ва унинг ривожланиши ҳамда унинг ҳуқуқий асослари тадрижий ривожланиш масалалари таҳлил этилганлигини кўришимиз мумкин [5, Б.9-14]. Рақамлаштириш одамлар ҳаётининг барча жабҳаларига, биринчи навбатда давлат хизматига таъсир қилиши, хорижий тажрибани ўрганиш асосида рақамли саводхонликнинг назарий жиҳати, таълим бозорини ривожлантириш, хусусан, давлат органлари ва муассасалари учун кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалалари Д.Абдалимова томонидан кўтарилган.

Рақамлаштиришнинг мазмун-моҳиятини ёритишдан олдин рақамлаштириш атамасининг луғавий маъносига эътибор беришимиз лозим. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғатида рақамлаш деганда, аналог сигнални дискрет сигналга айлантириш жараёни, яъни аналог маълумотларни рақамли, компьютер муҳитида мавжуд бўла оладиган ва машина ўқийдиган ташувчиларда сақланадиган шаклга ўтказиш тушунилади[6]. Бундан ташқари, рақамлаштириш объектлар ёки атрибутларнинг рақамли тасвирини яратишни англатади. Масалан, биз қоғоз ҳужжатни сканерлаймиз ва уни рақамли ҳужжат (масалан, пдф) сифатида сақлаймиз. Бошқача қилиб айтганда, рақамлаштириш рақамли бўлмаган нарсани рақамли тасвир ёки артефактга айлантиришдир [7]. Шу билан бирга, рақамлаштириш – бу ҳужжат таркибидаги маълумотлар ва билимларни рақамли шаклга ўтказишдир [8, Б.152-158].

Рақамлаштиришнинг мазмун-моҳияти ҳақида олимларнинг фикрлари турличадир. Хусусан, рақамлаштириш атамасини фанга олиб кирган Николас Никромантенинг фикрича, рақамлаштириш маълумотларни сиқиш ва янги алоқа каналлари орқали узатишда хатолар сонини камайтириш имконини берувчи жараён деб ҳисоблайди [9]. Бизнинг фикримизча ушбу таъриф содда шаклда берилган бўлиб рақамлаштириш тушунчасини тўла маънода очиб бера олмайди. Рақамлаштириш тушунчасига кенг ва атрофлича бугунги кун ҳолатига тўғри келадиган таърифни И.Ю. Пашенко билдириб ўтган. Жумладан, И.Ю.Пашенконинг фикрига кўра, рақамлаштириш тор ва кенг маънода қўлланилади. Тор маънода рақамлаштириш ахборотни ўзгартириш жараёни бўлиб, унга рақамли шакл беришни англатади. Кенг маънода эса, рақамлаштириш инсон ҳаётининг турли соҳаларини, жумладан, турли ижтимоий жараёнларни бошқаришни модернизация қилиш орқали ҳаёт сифатини яхшилайдиган жараён деген деб таъкидлайди [10, Б.46]. Гупта Сантош Кумар ва Банасал Аншикалар эса, рақамлаштириш атамаси ахборотни рақамли шаклга айлантиришни англатади [11], деб ҳисоблайдилар. Юқоридаги олимларнинг фикр-мулоҳазаларига қўшилган ҳолда, рақамлаштириш деганда турли объектлар, ҳужжатларда кўрсатилган ахборотларни ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда рақамли форматга айлантириш, уни ахборот-коммуникация технологиялари орқали электрон ҳолатда сақлаш ва узатиш жараёнидир, деб таърифлашимиз мумкин.

Рақамлаштиришнинг вужудга келиш тарихига назар ташлар эканмиз, мазкур тушунча XX асрнинг ўрталарида вужудга келганлигига гувоҳ бўламиз. Рақамлаштиришнинг вужудга келиши ва уни амалиётга татбиқ этишда компьютерларнинг яратилиши муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, 1957 йилда “Standards Elektronic Automatic Computer” (SEAC) томонидан тасвирни сканерлайдиган, сақлайдиган ва пикселларда қайта яратиши мумкин бўлган биринчи компьютер, 1971 йилда эса биринчи зарядловчи қурилмалар ихтиро қилинди. Булар аналог маълумотларни (масалан, расмларни) олиш ва уларни рақамли форматга айлантириш имкониятига эга бўлган биринчи осон ишлатиладиган асбоб-ускуналар эди [12]. “Standards Elektronic Automatic Computer” (SEAC) компьютерлари, дастлаб, “вақтинчалик” компьютер сифатида мўлжалланган бўлса-да, (SEAC) 14 йил давомида самарали ишлашга эга бўлиб, барча ҳисоб-китобларга, компьютерлардан илгари номаълум бўлган иловаларга фойдаланишни кенгайтиришга ва саноатда ҳисоблаш машиналарини янада ривожлантиришга катта таъсир кўрсатди [13]. Вақт ўтиши билан ушбу ахборот технологиялари ривожланиб такомиллаштирилди. Ушбу жараёнлар жаҳонда янги саноат инқилобларининг амалга ошишида муҳим рол ўйнади.

Юртимизда рақамлаштиришнинг жорий этилиши мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошланди. Қисқа вақтда парламент томонидан рақамлаштиришнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонунларида рақамлаштириш тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ҳақидаги қоидалар мавжуд бўлмаса-да, ушбу Қонунлар юртимизда рақамлаштиришни жорий этиш, уни такомиллаштириш учун ҳуқуқий асос ролини ўйнади.

Хусусан, 2003 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Ушбу Қонун Ўзбекистонда ахборот тизимларини яратиш, улардан фойдаланиш ва бошқаришни тартибга солади. Мазкур Қонун ахборот тизимларининг хавфсизлиги, ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш бўйича қоидаларни мустақамлайди ҳамда бошқарув ва давлат хизматларини такомиллаштириш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш йўл-йўриқларини белгилайди [14].

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунда “ахборотлаштириш”, “ахборот ресурси”, “ахборот технологияси”, “ахборот тизими” каби асосий тушунчалар мустақамланган. Унга кўра, ахборотлаштириш деганда, юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни тушунилади [14].

Бундан ташқари, 2004 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги 611-П-сон Қонуни қабул қилинган. Ушбу Қонун электрон ҳужжатлар ва имзоларни яратиш, улардан фойдаланиш, сақлаш, узатиш ҳамда электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари, электрон ҳужжат айланишида электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш ва низоларни ҳал этиш масалаларини тартибга солади [15].

Қонуннинг 5-моддасида электрон ҳужжат тушунчаси белгиланган. Унга кўра, “электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларга эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир. Электрон ҳужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади, ишлов берилади ва сақланади” [15].

2015 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Қонун электрон давлат хизматларини кўрсатишда, шу жумладан, идоралараро электрон ҳамкорлик доирасида давлат органларининг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларини тартибга солади [16].

Мазкур Қонунда “электрон ҳукумат”, “идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш”, “электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари”, “электрон давлат хизматининг регламенти”, “электрон давлат хизмати” каби асосий тушунчалар баён этилган. Жумладан, электрон ҳукумат – давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизимидир [16].

Юқорида номлари келтирилган қонунларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларда рақамлаштириш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинмаган бўлсада, жамият ҳаёти соҳаларини рақамлаштириш натижасида вужудга келган муносабатлар – “электрон ҳукумат”, “электрон ахборот”, “электрон рақамли имзо” кабилар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони имзоланди. Фармонда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириш каби вазифалар белгиланди.

Рақамлаштириш бошқа соҳалар каби ҳозирги замон ҳуқуқ ривожланишининг замонавий тенденцияларига катта таъсир кўрсатди. Жумладан, IT хизматлар ва технологияларнинг ҳуқуқ соҳасига кириб келиши ўзига хос номга – “Legal tech” номига эга бўлди. “Legal tech” – бу юридик соҳани рақамли технологиялар билан қамраб олувчи, юридик хизматларни автоматлаштирилган тарзда кўрсатиш, шунингдек, юридик



масалаларни рақамли технологиялар ёрдамида ечишга қаратилган юриспруденция ва ахборот технологиялари соҳаларини уйғунлигида ҳосил бўлган йўналишдир [17].

Рақамлаштиришнинг ҳуқуқ тизимига кириб келиши юридик мутахассисларнинг ишлаш услуби ва юридик хизматлар кўрсатилишини ўзгартирди. Авваломбор, рақамлаштириш натижасида анъанавий бўлган қоғоз шаклидаги ҳужжатлаштириш тизими электронлаштирилди. Бунинг оқибатида электрон ҳужжатлар яратилишига ва ушбу электрон ҳужжатларга масофадан туриб кириш имкониятига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, ҳужжатларни онлайн сақлаш, уни узатиш ва хавфсизлигини таъминлашга қулайлик яратди.

Иккинчидан, рақамлаштириш ҳуқуқий жараёнларда самарадорликнинг ошишига олиб келди. Жумладан, рақамлаштириш натижасида ҳуқуқий маълумотлар, онлайн маълумотлар базалари ва электрон ариза бериш тизимлари ҳамда низоларни онлайн ҳал қилиш платформалари каби воситаларга киришни таъминлаш орқали ҳуқуқий жараёнлар янада самарали кечмоқда. Шу билан бирга, рақамлаштириш ҳуқуқий жараёнларни соддалаштирди.

Учинчидан, рақамлаштириш оқибатида чекка ҳудудларда яшовчи ва юридик хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган инсонлар учун одил судловдан кенг фойдаланиш имкониятига замин яратилди. Шунингдек, электрон ҳужжатлар ва низоларни ҳал қилишнинг онлайн платформалари одамларга ҳуқуқий ахборот ва хизматлардан масофадан туриб фойдаланиш имконини берди.

Тўртинчидан, рақамлаштириш натижасида ишларни кузатиш, суд жараёнларини ҳужжатлаштириш, суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлар ҳужжатларини ижро этиш кабиларни осонлаштириб, ҳуқуқ тизимида очиқлик ва ҳисобдорликни оширишга хизмат қилди. Ушбу жараённи ривожлантириш ва уни амалиётга татбиқ этишни жадаллаштириш мақсадида бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижроси доирасида мол-мулкни шартнома-воситачилик асосларида сотиш фақатгина мол-мулкни қабул қилишдан уни сотишгача бўлган жараёнларни масофавий мониторинг қилиш электрон тизимини жорий қилган савдо ташкилотлари томонидан амалга оширилиши; суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижроси доирасида мол-мулкни шартнома-воситачилик асосларида сотиш бўйича савдо дўконларини танлаб олишда мол-мулкни интернет-дўконлар орқали сотишни амалга оширувчи савдо ташкилотларига устунлик берилиши белгиланди [18].

Бешинчидан, рақамлаштириш натижасида юридик мутахассисларнинг видеоконференция алоқалари, ҳужжат алмашишлари ва онлайн хабар узатиш воситалари орқали турли жойлардан келган ишлар бўйича бир-бири билан ҳамкорлик қилишлари осонлашди. Бу эса, улар ўртасида ҳамкорликнинг яхшиланиши ва ривожланишига олиб келди. Бунга “Е-хат” тизими орқали ташкилот, муассасаларнинг алоқа аламашишлари ва муружаатларини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин [19, Б.488-495].

Рақамлаштиришнинг давлат органлари фаолиятига кириб келиши ва уни амалиётга татбиқ этиш бюрократиянинг камайишига, автоматлаштиришнинг кучайишига, фуқароларнинг иштирокини яхшилашга, давлат органлари харажатларини қисқартиришга сезиларли таъсир кўрсатди. Хусусан, рақамлаштириш давлат органларига ўзларининг меҳнат жараёнларини соддалаштириш, давлат хизматларини кўрсатишда қоғозбозлик ва бюрократия миқдорини камайтиришга замин яратди. Бундан ташқари давлат органлари фаолиятида ҳужжатларни юритиш, сақлаш ва уларни қайта ишлаш каби мунтазам жараёнларни электронлаштириш имконини яратиб берди. Рақамлаштириш давлат органлари ўртасидаги алоқаларни яхшилади ва ривожлантирди, деб бемалол айтишимиз мумкин. Хусусан, давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш орқали турли давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ўзаро маълумот алмашиш ҳамда лойиҳаларда ҳамкорлик қилишни осонлаштирди. Бу эса, давлат идоралари ўртасидаги

алоқаларнинг ривожланишига, қарорлар қабул қилишнинг яхшиланишига ва хизматлар кўрсатишнинг янада самарали бўлишига олиб келди.

Давлат органлари фаолиятида рақамлаштиришнинг кенг татбиқ этилиши фуқароларнинг давлат хизматларидан тез ва қулай шаклда фойдаланишларига олиб келди. Масалан, фуқаролар интерактив давлат хизматларидан онлайн фойдаланиб, ўзларининг муоммолари ҳақида мурожаат қилишлари ҳамда давлат органлари фаолияти тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари мумкин бўлди. Шу билан бир қаторда, мазкур рақамлаштириш натижасида фуқароларнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Бундан ташқари, рақамлаштириш жараёни коррупцияга қарши курашда муҳим рол ўйнади. Чунончи, рақамлаштириш орқали ташкилот, корхона ва муассасаларда очиқлик ва ошкоралик ортиб, ушбу ташкилотларнинг молиявий ишларини кузатиш осонлашди ҳамда коррупциянинг олдини олишга ва уни сезиларли даражада камайтиришга имконият яратди. Ишларда электрон ҳужжатлардан фойдаланиш натижасида давлат томонидан мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини кузатиш ва улар томонидан содир этиладиган қонунбузарликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш ишлари осонлашди. Шу билан бирга, рақамлаштириш натижасида кўплаб қўлда бажариладиган ва бошқариладиган жараёнларни автоматлаштириш орқали давлат хизматидаги бюрократик тўсиқлар камайтирилди. Бу ўз навбатида, турли хизматлар кўрсатишнинг янада ривожланишига ва коррупция ҳолатларининг камайишига ҳамда олдини олишга замин яратди [20, Б.158-170].

Шундай қилиб, рақамлаштириш жамият ва давлат ривожланишининг бир бўлагига айланди. Рақамлаштириш натижасида жамиятда янгидан-янги ижтимоий муносабатлар вужудга келиб, уларни ҳуқуқий тартибга солишга эҳтиёж туғилди. Рақамлаштиришнинг ҳуқуқ тизимига кириб келиши соҳадаги мутахассисларнинг ишлаш услубининг ўзгаришига, иш самарадорлигининг ортишига, фуқароларнинг юридик хизматлардан исталган ҳудудлардан навбатларсиз фойдаланишига, идоралараро ҳужжат аламашишларнинг соддаланишига, давлат органлари фаолиятининг очиқ ва шаффоф бўлишига хизмат қилади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Пашенко И. Ю. Информация как объект публично-правового регулирования в условиях цифровизации: дис. – Кубанский государственный университет, 2022.
2. Ф.Исхакова, Ф.Хамдамова. Правовое регулирование информационно-коммуникационных технологий Республики Узбекистан: публично-правовой аспект. – Ташкент: Институт государства и права Академии наук Республики Узбекистан, 2021
3. Ф.Исхакова, Ф.Хамдамова. Правовое регулирование информационно-коммуникационных технологий Республики Узбекистан: публично-правовой аспект. – Ташкент: Институт государства и права Академии наук Республики Узбекистан, 2021;
4. Садиков С. Ўзбекистон Республикасида “Электрон ҳуқумат” тизими ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши, 2020.
5. Ахмедшаева М., Хусанбаев О. Ўзбекистон Республикасида “Электрон ҳуқумат” ни ривожлантиришнинг долзарб масалалари \ \ Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили.2019. №3.
6. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати, 2004. // URL: [https://library.samdu.uz/files/b81196ec3a47eb635f11d75bcd169f9b\\_Axborot-kommunikatsiya%20texnologiyalari.pdf](https://library.samdu.uz/files/b81196ec3a47eb635f11d75bcd169f9b_Axborot-kommunikatsiya%20texnologiyalari.pdf).
7. What is Digitization, Digitalization, and Digital Transformation? // URL: <https://www.arcweb.com/blog/what-digitization-digitalization-digital-transformation>.
8. Ермоленко В. В., Ермошина А. С., Ланская Д. В. Электронные документы, оцифровка и археология знаний // Естественно-гуманитарные исследования. – 2020. – №. 3 (29).
9. Negroponte N. Being Digital. London: Hodder & Stoughton. 1995. P. 15. // Пашенко И. Ю. Информация как объект публично-правового регулирования в условиях цифровизации:

дис. – Кубанский государственный университет, 2022.

10. Пащенко И. Ю. Информация как объект публично-правового регулирования в условиях цифровизации: дис. – Кубанский государственный университет, 2022.

11. Gupta S. K., Bansal A. Young customer's attitude towards digital banking with special reference to public and private bank in uttrakhand // *8M: The Journal of Indian Management & Strategy*. – 2018. – Т. 23. – №. 4. – С. 23-27. // Петрова Л. А., Кузнецова Т. Е. Цифровые технологии в экономике и бизнесе // ЭТАП: экономическая теория, анализ, практика. – 2020. – №. 2. – С. 74-89.

12. What is the history of digitization? *Aperture: A Kodak Digitizing Blog*. // URL: <https://kodakdigitizing.com/blogs/news/what-is-the-history-of-digitization>.

13. Kirsch, R. A. (2001, January). Computer development at the National Bureau of Standards. *A Century of Excellence in Measurements, Standards, and Technology: A Chronicle of Selected NBS/NIST Publications, 1901-2000* // URL: <https://nistdigitalarchives.contentdm.oclc.org/digital/collection/p15421coll5/id/1386>.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 11.12.2003 // URL: <https://lex.uz/docs/-83472>.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги 611-Псон Қонуни. 29.04.2004 // URL: <https://lex.uz/ru/docs/-165079>.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни. 09.12.2015 // URL: <https://lex.uz/acts/-2833860>

17. “Legal tech va Law tech”. // URL: [https://www.facebook.com/huquqiytdiqot/posts/legal-tech-bu-yuridik-sohani-raqamli-texnologiyalar-bilan-qamrab-oluvchi-yuridik/850187622505838/?locale=de\\_DE](https://www.facebook.com/huquqiytdiqot/posts/legal-tech-bu-yuridik-sohani-raqamli-texnologiyalar-bilan-qamrab-oluvchi-yuridik/850187622505838/?locale=de_DE).

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 24.11.2020 // URL: <https://lex.uz/docs/-5124086>.

19. Белянская О. В., Чомаев А. А. Влияние цифровизации на процесс осуществления юридической деятельности // *Актуальные проблемы государства и права* – 2022. – Т. 6. – №. 4.

20. Овчинников А. И. Противодействие коррупции в условиях цифровизации: возможности, перспективы, риски // *Журнал российского права*. – 2019. – №. 11.